

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ

“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ”  
КАФЕДРАСИ

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 338:334.75 (575.1)

ЖЎРАЕВ ҒАЙРАТ БАХТИЁР ЎҒЛИ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҲУДУДЛАРДА  
ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ

70310102– Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)  
мутахассислиги бўйича

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар:  
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доц. Н.Ражабов

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

42- сонли баённома « 1 » 05 2023 й.

Илмий раҳбар: Ражабов Н.



ИМЗО

сана

Магистрант: Жўраев Ғ.




ИМЗО

30.05.2023

сана

Диссертация Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “ 30 ” 05,  
№ 3/27 рақами билан рўйхатга олинган.

**“Ҳимояга тавсия этилади”**

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси  
муdiri, доц. И.Хотамов 

“ 8 ” май 2023 йил

Ҳимоя 2023 йил “ 31 ” 05 соат 10<sup>00</sup> да

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади

## АННОТАЦИЯ

Рақамли иқтисодиёт шароитида ҳудудларда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий масалалари ҳамда айрим хорижий давлатларнинг хусусий тадбиркорликка оид халқаро тажрибалари ёритиб берилган. Хорижий давлатларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашда қўлланиладиган меъёрлар ва механизмлар келтириб ўтилган. Таҳлиллар натижасида Рақамли иқтисодиёт шароитида ҳудудларда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш истиқболлари бўйича илмий хулосалар олинган.

Рақамли иқтисодиёт шароитида ҳудудларда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг зарур даражасини таъминлаш, имтиёзлар бериш борасида аниқ мезон ва механизмларни ишлаб чиқиш, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рақамли иқтисодиёт шароитида ҳудудларда хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш ва ривожланиши бўлган «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** *Кичик бизнес субъектлари, оилавий бизнес, халқаро солиқ принциплари, хусусий тадбиркорлик, рақамли иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик, дастурий воситалар, мамлакат иқтисодий кўрсаткичлари.*

## ANNOTATION

In the context of the digital economy, theoretical issues of the development of private entrepreneurship in the regions and international experiences of some foreign countries on private entrepreneurship were highlighted. Norms and mechanisms used in the support of the activities of business entities in foreign countries have been cited. As a result of the analysis, scientific conclusions were obtained on the prospects for using the advanced experience of foreign countries in the development of private entrepreneurship in the regions in the conditions of the digital economy.

In the context of the Digital Economy, special attention is paid to ensuring the necessary level of development of private entrepreneurship in the regions, developing clear criteria and mechanisms for granting benefits, assessing the effectiveness of the benefits and preferences given. In the conditions of the digital economy, the formation of a "digital economy" with the further improvement of private business activities in the regions and the improvement and development of their efficiency is reflected, as well as the acceleration of the implementation of generally accepted international norms and standards in the field of private entrepreneurship into national legislation.

**Keywords:** *Small business entities, family business, international tax principles, private entrepreneurship, digital economy, digital economy, development of digital economy, national digital economic security, software tools, economic indicators of the country.*



## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	7
Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	7
Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....	8
Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	9
Тадқиқот ишининг объекти ва предмети.....	9
Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.....	10
Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	11
<b>I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ВА ТАҲЛИЛИ</b> .....	<b>12</b>
1.1. Манбаларда келтирилган тадқиқотлар натижалари.....	12
1.2. Тадқиқот бўйича ўрганилган адабиётлар шарҳи.....	24
1.3. Тадқиқот гипотезаси.....	28
<b>II БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ</b> .....	<b>36</b>
2.1. Тадқиқот назарий ва методологик асослари .....	36
2.2. Маълумотларни тўплаш жараёни.....	37
2.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....	38
<b>III БОБ. ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР</b> .....	<b>39</b>
3.1. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари.....	39
3.2. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт ва импорт салоҳиятининг умумий таҳлили.....	50
3.3. Ўзбекистонда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш .....	56
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b> .....	<b>68</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>72</b>

## КИРИШ

### Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар ва тизимли ислохотларни амалга ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омили сифатида хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, «Хитойда иш билан банд аҳолининг 81,4 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 54,3 фоизи, Японияда мос равишда 70,8; 67,0 фоизи, АҚШ да 50,6; 53,1 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда»<sup>1</sup>. Юқорида қайд этилган ҳолатлар мамлакат аҳолисининг ҳаёт даражасини ошириш учун тадбиркорлик салоҳиятини (ТС) ривожлантириш, унинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлаш, мустақил хўжалик юритиш ташаббускорлигидан самарали фойдаланишга имкон берувчи институционал асосларини такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бунда хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий дастак ва воситалар орқали қўллаб-қувватлашда селективлик тамойилини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ёндашув давлат томонидан хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштиришни, тадбиркорлик салоҳиятини (ТС) ошириш услубиёти ва стратегиясини такомиллаштирувчи янги илмий дастур яратишни ва муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини беради.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишда миллий ва жаҳон бозорларида рақобатбардошликни ошириш, ишлаб чиқаришнинг инновацион асосларини мустаҳкамлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва кўламини кенгайтириб борган ҳолда қўшилган қийматни кўпайтириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, “иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030

<sup>1</sup> <http://www.ifc.org.msmeconomyindicators>